

КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ

Ф.М.Насруллаев, ҚарМИИ магистранти,

М.Р.Рахмонов, ҚарМИИ магистранти

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири иқтисодиётнинг реал соҳаларида ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, ҳамда корхона корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлари ва усуллари жорий этиш иборат.

Республикада фаолият юридаётган корпоратив корхоналарнинг узок муддатли яшовчанлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини тубдан қайта қуриш, экспортбоп маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш, миллий иқтисодиётнинг кучайишини таъминлаш ҳамда республикадаги ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорларида муносиб ўрин эгаллашлари ушбу масаланинг муваффақиятли ҳал қилинишига боғлиқ.

Ишлаб чиқаришга ривожланган мамлакатларнинг инновацион ишланмалар ва ғояларини қўллаш тажрибаси шунчаки қўчирилмасдан, балки уларнинг самарали усуллари асосида миллий иқтисодиёт учун Ўзбекистон модели ишлаб чиқиши лозим бўлади. Ана шундан инновацион менежментнинг тараққий этган ва ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида компания, корхона, агентликлар, уюшмалар ва қўмиталар фаолиятига ижодий равишда татбиқ этиш имконияти яратилади.

Инновацион менежментини ташкил қилиш корхонанинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъминлаб, бозорда ўз мавқеига эга бўлишини белгилайди, рақобатда юритиб чиқишни ҳамда компаниянинг даромадли фаолият кўрсатиши учун замин яратади.

Корхоналар фаолиятида инновацион ишланмалари ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалаларини ўрганганда, албатта, инновацион ишланмаларнинг турлари билан танишиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жараёнлар бўйича инновациялар – бу технологик янги ёки технологик жиҳатдан сезиларли даражада такомиллаштирилган ишлаб чиқариш, шунингдек, маҳсулотларини етказиб бериш усулларини ишлаб чиқиш ёки жорий этишни ўз ичига олади. Бу турдаги инновациялар янги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишининг янги усулларидан фойдаланишгача ёки уларни биргаликда қўллашга, шунингдек, тадқиқот ва ишланмалар натижаларидан фойдаланишга асосланган бўлади. Бундай инновациялар, одатда, ташкилотда илгари мавжуд бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб беришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши мумкин. Шунингдек, одатдаги усуллар ёрдамида амалга ошириш имкони бўлмайдиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни технологик жиҳатдан ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш учун мўлалланган ғам бўлиши мумкин.

Технологик инновациялар – бу юридик шахснинг технологик янги маҳсулотлар ва жараёнларни, шунингдек, маҳсулотлар ва жараёнларда сезиларли даражада такомиллаштиришларни, технологик янги ва сезиларли даражада такомиллаштирилган хизматларни, хизматлар ишлаб чиқарилиши бўйича янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ фаолияти назарда тутилади.

Маркетинг инновациялари – бунда янги ёки сезиларли яхшиланган маркетинг услубларини корхона фаолиятига қуйидагиларни жорий этиш тушунилади:

-маҳсулотларнинг дизайни ва қадоқланишига жиддий ўзгартиришлар киритиш.

-маҳсулотларни сотиш ва тақдимоти бўйича янги ёндашувларни қўллаш, шунингдек, маҳсулотларни бозорларга танитиш ва олға силжитиш бўйича янги услублардан фойдаланиш.

-янги нарх стратегияларини шакллантиришни ўз ичига олади. Бу ўзгартиришлар маҳсулот истемолчиларининг эҳтиёжларини тўлароқ кондиришга, сотиш ҳажмини қўпайтириш мақсадида, маҳсулотлар ва хизматлар истемолчиларининг таркибини кенгайтиришга йўналтирилган бўлади.

Ташкилий инновациялар – бизнесни юритишда, иш ўринларини ёки ташқи алоқаларни ташкил этишда янги усулларни ишлаб чиқишдир. Бундай инновациялар бошқариш ва трансакцион харажатларни қисқартириш, ташкилот томонидан ишчиларнинг иш ўринлари билан таъминланганлик даражасини ошириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, бозорда мавжуд бўлмаган активларга йўл топиш ёки етказиб бериш камайитириш йўли билан ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлади.

Инновация жараёнини бошқариш объекти техник сиёсатни ишлаб чиқиш учун юқори даражада маҳсуллаштирилган бўлимлар, яъни уюшмалар, қўмиталар ёки ишчи гуруҳларини тузишни тақозо қилади. Бу эса, ўз ўрнида:

- инновацион фаолиятни назорат қилиш учун янги маҳсулотлар бўлимларини ва марказлашган хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- янги маҳсулот яратиш учун мақсадли лойиҳа марказларини белгилаш;
- ишлаб чиқариш бўлимларида мавжуд бўлган лабораториялар, илмий марказлар бўлимлари ролини ошириш;
- инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи махсус фондларни ва венчур бўлимларини ташкил этиш; - янгилик киритиш соҳасида маслаҳат бериш хизматларини ташкил этиш;

- янги технологияни ўзлаштириш муаммоси билан шуғулланувчи махсус тармоқли лабораторияларни яратишни талаб этади.

Корпоратив корхонани модернизациялашининг ўзаро боғлиқ бир неча йўналишларини ажратиш мумкин: компания кўламини ўзгартириш; назоратга таъсир ўтказиш; компания ички тизимини ўзгартириш; ишлаб чиқиш тизимини қайта ташкил қилиш. Ҳар қандай корпоратив корхона раҳбариятининг биринчи даражадаги вазифаси корхонада ижодий инновацион муҳитни яратиш, компания мутахассисларини ва ходимларини инновацион фаолиятига жалб қилиш, шунингдек, мувофиқ ташкилий ва корпоратив маданиятини рағбатлантириш, ижодий фаолият яратилишда инновацион-технологик, техник-ташкилий ўзгаришларнинг амалга оширилиши учун ташаббус кўрсатишдан иборатдир.

Бизнинг фикримизча, корпоратив корхоналарда юқори инновацион ишланмаларни, шунингдек, самарали янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш қўйидаги натижаларга олиб келади.

- корпоратив корхоналарда қўл меҳнатини камайтириб, иш шароитларини яхшилайти.

- ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини ва стабиллигини ҳамда ноишлаб чиқариш харажатларининг қисқаришини таъминлайди.

- корпоратив корхоналарда ишлаб чиқарилаётган бир бирлик маҳсулот ёки хизматларга сарфланадиган меҳнат, хом ашё ҳамда материал сарфини тежайди ва камайтиради.

- ишлаб чиқариш жиҳозларидан самарли фойдаланишни таъминлаб беради.

-тижорат асосида, инновацион ишланмаларни бошқа компанияларга ишлаб чиқаришда қўллаш учун бериш ёки сотиш келишувларини амалга оширишни таъминлайди.

Шундай экан, ҳар қандай корпоратив корхоналарда инновацион ишланмалар яратиш жараёнлари ва улар натижасини ишлаб чиқаришга жалб қилишни бошқариш учун қуйидагиларни бажариш керак:

- инновацион фаолиятини амалга оширишнинг режа ва дастурини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

- корпоратив корхонанинг янги маҳсулоти ёки хизматилар турини унинг технологиясининг ишлаб чиқариш дастурини яратиш.

- янги маҳсулот ёки хизмат турини ва унинг технологиюсини ишлаб чиқиш устидан назорат ўрнатиш таъминлаш.

- инновацион фаолиятининг корпоратив корхоналар тазамида амалга оширилишини координация қилиш.

- инновацион фаолиятини молиявий, меҳнат ва бошқа ресурслар билан таъминланиш амалга ошириш.

- корпоратив корхоналар бошқарув тузилмасида инновацион ғоя ва ишланмаларни яратиш билан шуғулланадиган бўлим ёки бошқарма ташкил қилиш.